Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 130 (20. 997) 1991 йил 9 июль, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

УМИД БОШОҚЛАРИ

• ФАРМОН ВА ИЖРО •

Ўзбекистон ССР Президентининг жумҳуриятимиз қишлоқ аҳолисини дон билан таъминлашнинг қўшимча тадбирлари ҳақидаги Фармонига мувофиқ, жамоа ва давлат хўжаликларига 1991 йилги ҳосилдан ортиқча донни ҳар бир қишлоқ оиласига камида юз килограммдан беришга рухсат этилди.

Хоразм вилояти, хусусан, Гурлан районидаги мутасаддди идоралар ва раҳбарлар аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлашнинг аниқ йўлларини излашяпти. Шу райондаги «Коммуна» жамоа хўжалигида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

— Авваллари бозор ҳақида кўп гапириларди-ю, лекин унинг моҳияти кишиларга яхши маълум эмасди, — дейди раис А. Вафоев. — Ҳозирги кунда бунинг нечоғлик мушкулликлар билан боғлиқлигини билиб турибмиз. Деярли ҳамма соҳада тақчиллик, нарх-наво осмонда. Аммо республикамизда уннинг нархи оширилмади. Томорқанинг кўпайганлиги эса айни кундаги оғир шароитда деҳқонларга таянч бўляпти. Биз ўтган йил кузида оқсоқоллар билан кенгашиб, ғалла экишга қарор қилдик. Бунинг учун ажратилган 104 гектар майдон 20 пудратчига бўлиб берилди. Натижа ёмон эмас. Ҳар гектардан 25—30 центнердан ҳосил олиш мумкин. Бу ўрта ҳисобда 250—300 тонна буғдой дегани. Сомони ҳам бундан кам бўлмайди. Ўрим тугагач, бўшаган майдонларга маккажўхори экилади. Ундан ҳам уч минг тонна силос олиш учун имконият бор.

Шу билан бирга баҳорда 160 гектар майдонга беда билан аралаштириб буғдой эккан эдик. Ундан ҳам 300 тонна ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз.

Имкониятларимиз шу билан чегараланган эмас. Хўжалигимизда мингта хонадон бор. Ҳар бири ўз томорқасига эга. Уларнинг эллик фоизи ўз ерларига ғалла экишди. Ҳозир улар ҳам буғдойни ўриб олиб, ўрнига бошқа экинлар экишяпти.

Келгусида бу ерда пахта ҳосилдорлигини ошириш эвазига унинг майдонини 300-400 гектарга қисқартириш мумкин бўлади. Бу ерларда ҳам дон ва маккажўхори етиштириш ҳисобига хўжалик аҳолисини ун билан тўла таъминлаш, 15 минг тонна силос олиш имконияти туғилади.

— Ўзбеклар ҳеч вақт Канададан дон, Европадан музлатилган гўшт сотиб олмаган, — дейди А. Вафоев. — Ҳозирги пайтда айрим мутахассис ва раҳбарларнинг бу ҳақдаги таклифларини эшитиб ҳам ҳайрон бўласан. Ахир, бизнинг шароитимизда бунинг учун эҳтиёж йўқ. Фақат пахта майдонларини бироз қисқартириш эвазига ўзимизни қисқа фурсатда ун ва гўшт билан таъминлай оламиз. Масалан, хўжалигимиз аҳолиси йилига 650 тонна ун истеъмол қилади. Агар биз ғалла етиштириладиган майдонни 500 гектарга етказсак, ўзимизни ўзимиз ун билан таъминлашимиз мумкин. Гўшт, сут масаласида ҳам. Чунки озуқа истаганча ғамланади. Ҳозир аҳолимизда 1200 бош сигир бор. Уч минг бошга етказсак масала ҳал бўлди дегани. Ваҳоланки, биз бу ўринда оилаларнинг шахсий томорқасида етиштирилган маҳсулотларни ҳисобга олганимиз йўқ.

Ўтган йилиёқ хўжаликда ва одамларнинг томорқасида ғалла етиштириш ташкил қилинганди. Шу боис хўжаликда Президент Фармонини бажариш учун имкониятлар яратилди. Бу ерда ҳар бир оилага юз килограммдан эмас, 150 килограммдан дон бериш режалаштириляпти.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳати шундаки, жамоа бу йил 450 гектар майдонга шоли эккан. Режа икки минг тонна. Шундан минг тоннаси давлатга топширилади. Қолгани хўжаликники. Бошқа ҳамма сарф-харажатларни чегириб ташлаган тақдирда ҳам бир оилага камида ярим тоннадан шоли бериш имконияти бор.

Айни пайтда хўжаликда дон ўрими қизғин паллага кирган. Ҳосил кўзланганидан ҳам зиёд бўлди. Шу боис, омборлар ғаллага тўляпти, кишиларнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда. Демак, тирикчиликнинг энг оғир бир шароитида халқни таъминлашдан, кўнглини ёруғ умидларга тўлдиришдан кўра эзгу иш бўлмаса керак дунёда.

Ғ. ДУСТЖОНОВ,
журналист.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Жумҳуриятимиз Президентининг қишлоқ аҳолисига овқат учун дон (буғдой) бериш тўғрисидаги Фармони кўпгина хўжаликларда муваффақиятли бажарилмоқда. Жумладан Пискент районидаги Калинин номли жамоа хўжалигида ҳар бир хонадонга режадаги 100 килограмм ўрнига 500 килограммдан буғдой бериш кўзда тутилди. Айни кунларда хўжаликда буғдой ўрими қизғин. Учта комбайн билан ҳар куни 20—22 гектар майдондан ғалла ўрилмоқда.

Шуниси қувончлики, хўжаликнинг жами ер майдони 1455 гектар бўлиб, шунинг 308 гектарига ғалла экилган. Режа бўйича эса ҳар гектар майдондан 20 центнердан ҳосил кўтариш. Бу ҳосил аҳолини буғдой билан тўла таъминлашга етиб ортиши табиий.



Суратларда: илғор ғаллакорлардан бир гуруҳи ва моҳир ҳайдовчи В. Тўраев туширган суратлар.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

Илгари хабар берилганидек, 5 июль куни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов жумҳурият маданият ва халқ маорифи ходимларининг катта гуруҳига тантанали вазиятда СССР ва Ўзбекистон ССР давлат мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш маросимида Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров иштирок этдилар.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов кинорежиссёр М. Қаюмовга Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» Олтин медалини топширмоқда.

В. МИЛЬЕНКИЙ ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

• Тадбиркорлик — давр талаби

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

Мавжуд экин майдонлари ҳосилдорлигини сақлаб қолиш, тупроқ қувватини қоплаш учун Жиззах вилоятида йилига 2,4—2,5 миллион тонна маҳаллий ўғит зарур экан.

Амалда эса вилоятдаги чорва моллари бош сонига жаъми 800—850 минг тонна гўнг тўплаш имконияти мавжуд. Бу заруратнинг учдан бир қисмидир. Шунинг учун ҳам вилоятда гўнгни ариқ-зовур лойқалари, ўта маҳсулдор тупроқ билан аралаштириб, йилига салкам икки миллион тонна компост тайёрлаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу билан озуқаталаб экин майдонлари ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш мумкин. Муҳим ва масъулиятли бу вазифани бажаришни вилоят комсомоллари ўз зиммаларига олдилар.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЗАРАР ЎРНИ ҚОПЛАНЯПТИ

Табиий офат бизнинг хўжалигимиз далаларига ҳам катта талафот етказди. 2200 гектар ердаги ғўзанинг беш юз гектари бузилиб, қайта чигит экилди. Г. Жалилов бошлиқ бригаданинг 88 гектар майдондаги ниҳолларини дўл уриб кетди. Б. Панжиев, О. Мелиев бошлиқ бригадалар экинларини қатқалоқ босди. О. Рўзиев, А. Ниёзов, Ғ. Исломов бошлиқ бригадалар ҳам дўл ва ёмғирдан жиддий зиён кўришди.

Ўша кунлари дала ишлари икки сменада уюштирилди. Айрим жойларда зарарни қоплаш мақсадида полиз уруғлари ташланди.

Табиий офат юз гектар ердаги арпа-буғдойни ҳам пайҳон қилиб кетганди. Шунингдек, 20 гектар ердаги меванинг ярмисига зарар етди. Хўжалик маркази «Чўл-бўстон» посёлкасида яшовчи аҳолининг уч минг дона шифери яроқсиз ҳолга келди. Хўжалик ҳаммаси бўлиб 686 минг сўм зарар кўрди.

Аҳволни ўнглаш учун тадбиркорлик билан иш тутмоқ лозим эди. Шундай қилинди ҳам. Деҳқончилик экинлари қисқа вақтда тартибга келтирилди. 60 гектар ердаги силос учун маккажўхори экилиб, 805 гектар майдондаги беда парвариши яхшиланди. Чигит экишга кечикилган 30 гектар майдонга озуқабоп экинлар уруғи ташланди.

Ишчиларимиз ҳар қандай вазиятда ҳам кайфиятларини туширмай ишлаяптилар. Жумҳурият Президенти Фармонига биноан уларнинг шахсий чорва молларига емхашак беряпмиз. Ҳозиргача 200 тонна беда бердик. Бу йил далалардан 600 тонна ғалла йиғиб оламиз. Шунинг 200 тоннасини аҳолига бермоқчимиз.

Чунки қулай шарт-шароит ва яхши кайфиятгина меҳнат аҳлини руҳлантиради, янги зафарларга чорлайди.

Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Қарши районидаги «Партия XXVI съезди» давлат хўжалиги директори.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

1941—1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБА ШАРАФИГА МОСКВА ШАҲРИДА ЎРНАТИЛАДИГАН ЁДГОРЛИКНИ БУНЁД ЭТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Вазирлар Маҳкамаси СССР Президентининг «Урушдан олдинги йилларда ва Улуғ Ватан уруши даврида Ватанни ҳимоя қилиб ҳалок бўлган, шунингдек ўз байналмилал бурчини бажарган совет фуқаролари хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан қарор қилди:

Москва шаҳар ижроия комитети билан СССР Маданият вазирлиги СССР Мудофаа вазирлиги иштирокида Москва шаҳридаги Поклонная тепалигида 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба шарафига ёдгорлик қурилишини 1994 йилда тугатсинлар.

Мазкур ёдгорлик мажмуи иншоотлари босқичма-босқич, айрим зоналар ва объектлар бўйича бунёд этилиб, ишга туширилсин.

Ёдгорлик 1995 йилнинг май ойида, Ғалабанинг 50 йиллиги байрам қилинаётган кунларда тантанали вазиятда очилсин.

Москва шаҳар ижроия комитети илгари тасдиқланган техникавий-иқтисодий ҳисоб китобларга мувофиқ, мазкур бинони бунёд этиш борасидаги асосий ишлар 1993 йилдан бошланишини назарда тутиб, 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши музейи фонд омбори қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларини 1991-1992 йилларда ишлаб чиқсин.

Москва шаҳар ижроия комитетининг лойиҳалаш ва қурилиш ишларида техникавий шарт-шароитлар ҳамда меъёрлари ўзгаргани муносабати билан Ғалаба ёдгорлиги қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларини қайта тасдиқлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Лойиҳа-смета ҳужжатлари қайта тасдиқлангунича иншоотлар қурилиши аввал тасдиқланган ҳужжатларга кўра маблағ билан таъминлансин.

СССР Маданият вазирлиги зиммасига музейда ва Ғалаба боғида ўтказиладиган ягона маданий дастурни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Тегишли вазирликлар ва идораларга ҳам аниқ топшириқлар берилди.

РЎЗНОМАНИНГ БАЙРАМИ

«Хорезмская правда» рўзномаси етмиш ёшга тўлди. Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида Хоразмда чиқа бошлаган бу рўзнома ўзининг бутун тарихи давомида жамоа тарғиботчиси, ташвиқотчиси ва ташкилотчиси вазифасини шараф билан бажариб келмоқда. Ҳозир, мамлакат ва жумҳурият учун мураккаб бўлган даврда у вилоят партия ташкилотининг, халқ депутатлари вилоят кенгашининг ишончли ёрдамчиси бўлиб турибди.

Рўзноманинг байрами вилоятда кенг нишонланди. Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Р. М. Худойберганова, қорақалпоғистонлик, андижонлик, тошкентлик ҳамкасблар, Туркманистонинг Тошҳовуз вилоятидаги журналистлар таҳририят жамоасини шонли сана билан муборакбод этдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ВАҚТ КЎРСАТАДИ

● Олмазор мебель фабрикасига турли ускуналар келтирилди. Уларни мамлакатимизнинг амалда барча минтақаларига етказиб бермоқда.

Фабрикада таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Ҳозирдаёқ хом ашё сақлаш учун мўлжалланган омборхоналар қуриб бўлинди. Орск шаҳридан тажриба цехи учун иккита андоза келтирилди, бу ерда юмшоқ мебелнинг тажриба намуналари тайёрланади.

Ана шу андозаларни Тошкент «Стальмонтаж» бошқармасининг мутахассислари ўрнатишмоқда. Тўғри, мазкур бошқарма иши тўғрисида фабрика раҳбариятининг фикри унчалик яхши эмас. Сабаби уларнинг иш муддатларини чўзиб юборяётганлигида. Лекин, бундай фикр ортда қолиб кетди, — деб ўйлаймиз. Шу йил бошидан «Стальмонтаж» бошқармасига янги бошлиқ — В. Плахотников келди. У муҳим янгилик — иқтисодий рағбатлантиришнинг илғор усулини жорий этди. Энди бригадаларнинг жамоалари завод маъмурияти билан шартнома тузишмоқда, ишлар муддатида, сифатли қилиб бажарилиб, буни буюртмачи қабул қилиш ҳужжатида тасдиқлаган бўлса, бригада салмоқли мукофот олади.

— Ишлаш қизиқарли ва манфаатли бўлиб қолди, — дейди бригада бошлиғи О. Зоҳидов. — Ҳар қалай энди нима учун ишлаётганимизни биламиз. Ишласак тишлаймиз. Шартни бажаролмасак, ўзимиз айбдор бўламиз.

Буюртмачи билан ижрочи ўртасидаги ўзаро муносабатлар бундан кейин қандай бўлишини вақт кўрсатади. Бунга унчалик кўп вақт қолгани йўқ.

Таъмирлаш натижасида фабриканинг қуввати 2,5 баравар ошиши керак.

(ЎзТАГ мухбири).

АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КОММУНИСТЛАРНИНГ ҒАМХЎРЛИГИ ВА ЭЪТИБОРИДА БЎЛСИН

6 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Марказий Комитет жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни уюштириш масалалари комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Сирдарё вилоятидаги Гулистон шаҳри ва Боёвут райони аҳолисининг озиқ-овқат билан таъминланиши масаласи кўриб чиқилди.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш учун шаҳар ва район ижроия комитетлари ҳузурида тузилган комиссиялар самарали ишламаяпти. Савдо ташкилотлари ва корхоналари, назорат қилувчи идоралар раҳбарларининг аҳолини асосий озиқ-овқат моллари билан белгиланган меъёрда таъминлаш тўғрисида жумҳурият ҳукуматининг қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботлари мажлисларда камдан-кам муҳокама қилинмоқда.

Сирдарё вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ С. А. Мухторовнинг эътибори ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётганликка қаратилди, шундай муносабат оқибатида вилоятда жумҳурият ҳукуматининг аҳолини айрим турдаги халқ истеъмоли моллари билан белгиланган меъёрда таъминлаш соҳасидаги қарорини бажаришни уюштириш системаси вужудга келтирилмаган. Вилоят ижроия комитети ва ўртоқ С. А. Мухторов ўз қарамоғларида бўлган ҳамда мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлашга даъват этилган идоралар ва корхоналарнинг ишини дуруст назорат қилмаяптилар.

Сирдарё вилоят ижроия комитети билан шаҳар ва район ижроия комитетларининг раҳбарларига бир ҳафта муддатда савдо корхоналарининг фондларини бириктириб қўйган кишилар сонига мувофиқлаштириб олиш, якка тартибда нон ёпиш учун ун сотишни тартибга солиш, савдога озиқ-овқат маҳсулотларини бир маромда етказиб бериш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш тавсия этилди.

Комиссия мажлисида жумҳурият Ички ишлар вазирлигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чайқов қилиш фактларининг олдини олиш юзасидан ўтказилаётган иш ҳақидаги ахбороти ҳам тингланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жумҳурият фондига маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбуриятларига риоя этилишини биргаликда текширишга, хўжасизлик, маҳсулотнинг айниши ва талон-торож қилиниши фактларига, шу билан боғлиқ бўлган ғаразли сунистеъмолларга йўл қўймасликка алоҳида эътибор беришлари зарурлиги таъкидланди.

Комиссия жумҳурият ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига раҳбарлик қилувчи коммунистларга шу соҳадаги ишни кучайтиришни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини чайқов қилиш ҳамда уни айрим ғайриқонуний йўллар билан жумҳуриятдан олиб чиқиб кетиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг пайини қирқишни тавсия қилди. Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигига чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш ва жумҳурият истеъмол бозорини ҳимоя қилиш юзасидан қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш топширилди.

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

Яқинда КПСС Марказий Комитети Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидланганидек, маърифатли бозор муносабатларига ўтишда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни қатъиян мустаҳкамлаш, ҳамма жойда мавжуд конституцион нормаларга риоя этиш керак. Ишлаб чиқариш соҳасидаги мушкулликларни бартараф этиш, иқтисодиётда жиноятчиликни юзага келтирувчи сабабларни бартараф этиш ҳозирги кундаги сиёсий аҳамиятга молик биринчи даражали вазифадир, дейилади қарорда. Жамиятдаги вазиятни яхши томонга буриб юбориш кўп жиҳатдан шу вазифанинг ижобий ҳал этилишига боғлиқдир. Жиноятчиликнинг авж олаётганидан кўпинча бир-бирига қарама-қарши турган кучлар фойдаланмоқдалар. Улар одамларнинг марказ, КПСС ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият идораларига ишончни барбод қилиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Омма онгида ҳокимият тузилмалари ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг инсон ҳуқуқларини, унинг мол-мулки ва

КПСС Марказий Комитети Котибиятининг мажлисидан

ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қодирлигига ишончсизлик кучайиб боряпти.

КПСС Марказий Комитети Котибияти иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларига, республика, ўлка, вилоят, шаҳар ва район партия комитетларига ҳар бир минтақада жиноятчилик ўсиши сабабларини ҳар тарафлама таҳлил этишни, юзага келган ишлар аҳволига партиявий-сиёсий баҳо беришни топширди. Партиянинг иқтисодиётда жиноятчиликка қарши курашда зарур чора-тадбирлар кўрмаётган маҳаллий ҳокимият идоралари, хўжалик бошқармалари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятига муносабатини кенг жамоатчиликка етказиш лозим. Иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш учун партиявий ошкора таъсир кўрсатишнинг барча имкониятларидан кенг фойдаланиш керак. Бунда хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларида тартибни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилиши лозим. Бу ишга барча даражалардаги коммунист депутатларнинг фаол қўшилишига эришиш лозим. Шунингдек, ишчилар назорати, истеъмолчилар жамияти ҳамда меҳнаткашларнинг бошқа ихтиёрий бирлашмалари орқали ҳам иш олиб бориш талаб этилади.

Абдужаббор Ҳусанов қарийб 20 йилдан буён Тўрақўрғон районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида электр пайвандчи бўлиб ишлаб келади. У доимо механизаторлар оғирини енгиллаштиришга, трактор ва бошқа машина-механизмларни қисқа муддатларда ремонт қилиб беришга интилади. Шу боис ҳамкасблари уни чин дилдан ҳурмат қилишади.

СУРАТДА: электр пайвандчи А. Ҳусанов иш устида.
П. АКБАРОВ олган сурат.

Эркин САМАНДАР

• Ёзувчи ён дафтаридан

ПАНЖАБУЛОҚ

Чўллар оша, даштлар оша бир туя келарди. Саратоннинг оловли тафти, узоқ ва хатарли йўл азоби ҳолдан тойдирганига қарамай тинимсиз олға босарди. Эгри-бўғри хатарли сўқмоқлардан авайлаб ўтар, елкасидаги кажава, кажавадаги соҳибжамолга озор етказмаслик учунми, оҳиста, бир маромда йўл босиб, довон ошиб борарди.

Кажавадаги ой деса ой, кун деса кун соҳибжамол залворли тоғ ёнбағридан ўтиб бораётганда ўзини безовта сезиб, аъзои баданидан чиқаётган тафтдан беҳузур бўлиб, туянинг жиловини тортди. Аҳволни сезиб келаётганмикан, жонивор дарҳол қулай жой топиб, осойишта чўккалади.

Соҳибжамол фарзанд кутарди. Шул саҳнга етганида ой-куни тўлиб, кимсасиз даштда кўзи ёриди.

Воажаб, чақалоқнинг митти вужудидан тароват, аллақандай майин нур таралар, мунаввар борлиқнинг ҳуснига ҳусн қўшар эди.

Соҳибжамол ташналаб бўлди. Аммо яқин-атрофда сувдан асар кўринмади. Нима учун бу ерда инсон зоти яшамаслигини фаҳмлаб, соҳибжамол чақалоғини авайлаб ҳарсанг ёнига ётқизиб қўйди-да, бир қултум сув илинжида бирон жилғами, булоққа дуч келарман, деган ҳаёлда тоғ-тошлар сари кетди.

Ана шунда етти ухлаб тушга кирмайдиган ҳодиса рўй берди. Чақалоқ жажжи бармоқчаларини аста қимирлатиб, тошларни тирнади. Бир зум ўтмай чақалоқнинг панжаси теккан жойдан зилол қатралар сизиб чиқа бошлади. Кўз очиб-юмгунча бешта булоқ — Панжабулоқ пайдо бўлди.

Тоғу тошлар кезиб, сув тополмай қайтиб келган она булоқларни кўриб, кўзларига ишонмай чақалоғини қучиб бағрига босди.

Қишлоққа шу тариқа сув келди, одамлар кўчиб келди. Навҳа ота мавзеи шу тариқа пайдо бўлди.

Панжабулоқ суви, ҳавоси дардга дармон, ундан тотинган одамнинг дили равшан бўлиб, мавзе овозаси узоқ-яқинга тарқаганидан кейин зиёратчилар худди тўлқиндай оқиб кела бошлади. Шому наҳор булоқ боши одамлар билан гавжум бўлиб, зиёратга келган отахонлар ва онахонлар шукронаси, келин-куёвлар таъзими, сайру томоша гашти, мушоира ва ширин-шакар гурунглар еру кўкка файз берди. Қариялар кўнгли ёш, тўқсон яшар чоллар йигитдай бардам, кампирлар қиздай сулув, қизлар фаришта, йигитлар Алпомишдай келбатли, хуллас кексаю ёш валломат бўлиб кетди. Панжабулоққа кимки келмасин зиёратни аввало Навҳа ота руҳига таъзим этишдан, қабрига гул қўйиб, ўтганларни ёд қилишдан бошлади, қадр-қиммат, одобикром, меҳр-муҳаббат туйғулари дилларда тўлиб-тошди. Навҳа ота таърифи тилларда достон бўлди.

Шундай муқаддас жойга бизнинг кунларга келиб кўрнамаклар болта урди, Навҳа ота қабрини бузиб, масжидини дўконга айлантирди. Ҳилолига болғани уриб омухта этди. Ўроқ-болға рамзи муҳайё, гўё «бидъат» илғор бир нарсага айландиқўйди. Шундан эзилиб, мақбарага болта кўтарганда қўли қалтирамаган кимсалар қилмишидан изтиробга тушиб, Панжабулоққа боқиб, кўнглимдан кечганлари:

Сен қайнайсан, мен англайман тилингни,
Вайрон этди кимлар сенинг дилингни,
Туққанингми, хешингмидир, кимнинг у,
Панжабулоқ, жоним булоқ, инжилма.

Нокасларнинг ранжи жондан ўтдими,
Мўминларни имон ташлаб кетдими,
Яъжуж-маъжуж Навҳани йўқ этдими,
У йўқ бўлмас, бергил қулоқ, инжилма.

Кажавали туя йўлга чиққандир,
Чақалоқнинг ноласин кўк уққандир,
Сени панжа, сени тоғлар туққандир,
Панжабулоқ, кўзу-қабоқ, инжилма.

Сен тоғлардан сизиб-сизиб келасан,
Оқ булутдек яккаш сузиб келасан,
Нола ила дилим эзиб келасан,
Панжабулоқ, ингранмай оқ, инжилма.

Инжитганга нажот берган сен ўзинг,
Отига дов қанот берган сен ўзинг,
Ўлик ерга ҳаёт берган сен ўзинг,
Панжабулоқ, изингга боқ, инжилма.

Бул ҳаётда кўрнамаклар озмидир,
Қора юрак, тош юраклар озмидир,
Баланд учган ҳар битта қуш бозмидир,
Панжабулоқ, мағзини чақ, инжилма.

Азиз бошинг не кунларни кўрмади.
Аввал саҳро, дашт изингга юрмади,
Кейин ҳарсанг ва санглар йўл бермади,
Панжабулоқ, тоқатинг тоқ, инжилма.

Ўтган йўлинг сўнг гулларга айланди,
Даштлар ўрам, овулларга айланди,
Тиниқ сувинг, эвоҳ, энди лойланди,
Панжабулоқ, замон шундоқ, инжилма.

Умид яхши, иқбол сенга ёр бўлар,
Кўрнамаклар эпкинингга зор бўлар.
Йўлинг чаман, тегранг лолазор бўлар,
Панжабулоқ, тонгларинг оқ, инжилма.

Энди гапнинг буёғини эшитинг. Ой, йиллар ўтиб, чархпалакнинг айланишига қараб, замонга боқиб, унинг шамолларига мослашиб, ким ундайига, ким бундайига ўзгариб кетди. Қарашсаки, мақбарани яксон этишгани, масжидни дўконга айлантиришгани инсофдан эмас экан, ҳилолга болғани уриб ёпиштиришгани ғалати бўлибди, ҳозирги сиёсатга мос тушмайроқ турибди. Ана шунда дўкондаги моллар кўчирилиб, масжидни эгаларига қайтариб беришга қарор этишди. Ўроқ ёнидан болға олиб ташланди, аввалгидек ҳилолнинг ўзигина қолди. Аммо... Болғанинг ўрнида бир газак занг қолди, ҳарчанд уринишгани билан уни кетказишнинг иложи бўлмади. Занг ҳилолга шунчалик маҳкам ёпишган эканки, қанча ёмғир ёғса ҳам уни юволмаяпти.

Кўзим очиб, ер, осмонга боқдим мен.
Яқин-йироқ, кенг жаҳонга боқдим мен,
Ўтган замон, бул замонга боқдим мен,
Бул замоннинг ҳилолида занг кўрдим.

Аввал булоқ суви жисмим яйратди,
Дилимдаги жим қушларни сайратди,
Сўнгра бир ўқ ул қушларни қийратди,
Шум мергани — қаттолида занг кўрдим.

Заҳармикан асал дея еганим,
Рўёмикан тонг деб кўнгил берганим,
Темир экан олтин, кумуш деганим,
Умидларнинг заволида занг кўрдим.

Ақлим ҳайрон, не қилар занг тоғларда,
Тоғ дегани ҳоли бўлар доғлардан,
Оқ шуълани излаганим чоғларда,
Булутларнинг аъмолида занг кўрдим.

Кимдир ўша, занг яратмоқ ҳунари,
Яратмоғу ҳар ён отмоқ ҳунари,
Кўздан қочса бир жодугар сингари,
Қолган макри-малолида занг кўрдим.

Беталофат бўладими саваш, жанг,
Савашларда бечоралар ҳоли танг,
Фақат темир-терсакларни емас занг
Заргарида, кулолида занг кўрдим.

Кўз кўрарми ақлни занг босганда,
Оппоқ рангни сап-сариқ ранг босганда,
Одам йўлин бир нималар тўсганда —
Уволида занг кўрдим мен, занг кўрдим,
Мен ўзимни ўзим ҳангу манг кўрдим.

...Бахмалдан, Навҳа ота мавзесидан қайтарканман, намози шом пайти тоғ ёнбағрида ўтлаётган туя кўзимга чалингандай бўлди. Ундан сал берида соҳибжамол аёл, қўлида оппоқ чойшабга ўралган чақалоғи...

Бу рўёми ёки чин? Рўё бўлса, ҳаёлларни асло тарк этмагай, чин бўлса, ўтинч шуки, битта булоқ — ақлидрок булоғи яралгай, токим, диллар ва онглардаги зангларни ювиб, кўнгилларни беғубор ва нурафшон, эзгуликдаги барқарор этгай. Дўппини ол деса бошни олишга тайёр бўлган «фаол»ларга инсоф, эе-ҳуш ато қилгай!

БАЖОНИДИЛ ХИЗМАТ ҚИЛГАН БЎЛУР ЭДИМ...

• Модомики ялпи тақчиллик мавжуд экан, ишсизлик бўлмаслиги керак

Шарқда ўз думини босиб олган эшак ҳақида ривоят бор. Бечора думи оғриб ҳанграр эмиш-у, босиб турган оёғини олишга фаҳми етмас эмиш. Ҳозир биздаги вазиятни шунга ўхшатса бўлади: ҳозир ҳаммамиз ишсизлик ва қашшоқлик ҳақида ўзимизни ваҳимага солаяпмиз-у, аммо одамлар иш билан шуғулланиб ўзларини барча зарур нарсалар билан таъминлашлари учун уларга эрк беришга жазм қилмаяпмиз. Инсон қаерда зарур бўлса, ўша ерга бора олмасин деб прописка тартиб-қоидасига маҳкам ёпишиб олганмиз, у ёки бу корхоналар, кооперативларни тақиқлаб, тарқатиб юбориб, меҳнат қилинадиган соҳаларни чеклаб қўймоқдамиз, солиқлар билан бўғмоқдамиз. Маъмурий чеклашларга тоқат қилолмайдиган бозор муносабатларини бошлаш учун энг оддий ишларни ҳам қилмай имиллаяпмиз. Мана шундай мушкул аҳволда ҳам муваффақиятга эришаётган кишиларнинг тажрибаси ҳозир айниқса қимматлидир. Биз Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли жамоа хўжалигида шундай кишиларни топдик.

Ҳар кимга бир ярим гектардан ер бўлиб бериб, ибтидоий тақсимлаш Ўзбекистон шароитига тўғри келмаслигига хўжалик раиси Турғунбой Мадиёровнинг ишончи комил. Бундай қилиш жумҳурият деҳқончилигини ярим аср орқага суриб юборган бўлур эди, дейди у. Шу сабабли у бозор муносабатларига ўтишнинг бошқа йўлини таклиф қилади. Бироқ Шарқ — нозик жой. Бу ерда «сув» демасликлари мумкин, аммо «ташналикни босадиган нарса» дейишлари тайин. Сирасини айтганда, Мадиёров жамоа хўжалигига эмас, балки кооперативлар ва ишбилармонлар уюшмасига раҳбарлик қилмоқда. Аммо, майли жамоа хўжалиги бўла қолсин, иш юришса бас.

— Ҳамма гап шундаки, ҳар қарич суғориладиган ер ҳисобда турган, ишчи кучи эса ошиб-тошиб ётган бизнинг суғорма деҳқончилик шароитида вужудга келтирилган бойликларни тақсимламай, мулкчилик муносабатларини ўзгартириш ва хўжаликларнинг ички ишлаб чиқариш алоқаларини бошқача ташкил этиш орқали бозор муносабатларига ўтса бўлади, деди у. Инсоннинг бор имкониятларини рўёбга чиқарадиган восита керак. Ибтидоий схема: фермер хўжалиги сутни қайта ишлаш учун кооперативга топширади, ҳолбуки, уларнинг ҳаммаси бир том остида турибди. Бу том остидаги ташкилотлар уюшма дебми, концерн дебми, жамоа хўжалиги дебми аталишининг унчалик аҳамияти йўқ, гап номда эмас. Муҳими шуки, бутун иш—хом ашё олишдан тортиб то тайёр маҳсулот чиқаришга қадар, агар у оқилона уюштирилса, мана шунинг ўзи янги иш жойларини ҳам, охир-оқибатда иқтисодиётнинг янги тарзини ҳам таъминлаб бера олади.

Шубҳа йўқ, Турғунбой ака ҳақ гапни айтди: иборалар ҳақида, социализм, капитализм тўғрисида ва ишнинг моҳиятини хиралаштирадиган бошқа «измлар» тўғрисида баҳслашишни тўхтатайлик, турмушимизни, хўжалигимизни амалда қайтадан қуриш пайти келди.

Ким Пен Ҳва номли жамоа хўжалигида бир-бири билан боғлиқ бўлган икки жараён мавжуд, уларнинг бири қишлоқнинг саноатлашуви бўлса, иккинчиси мулкчилик турли шаклларининг бирлашувидир. Бу ерда шахсий томорқа хўжаликлари, кооперативлар, ижарачи жамоалар, кичик корхоналар бир-бирига ёрдам бериб, жуда аҳиллик билан ишлаётганлиги қотиб қолган реакционернигина ғулғулага солиши мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз иши билан, айни вақтда умумий иш билан ҳам шуғулланмоқда. Бундай ёндашув Ўрта Осиёда қарор топган: меҳнатни ташкил этишнинг бозор усуллари бу ерда тўғри келмайди, чунки бу усулларнинг жорий қилиниши ходимларни ишдан бўшатишга олиб боради, шусиз ҳам «ортиқча кишилар етарли» деган гапни мутлақо рад қилади. Мадиёров ортиқча кишилар бўлмаслигини яққол исботлаб турибди.

Мана, жамоа хўжалиги ҳовлисида бултурги пахта ҳосилининг ҳафсала билан тоғдек қилиб уюб қўйилган ғарами турибди (бу давлат буюртмаси 60 фоизига тенг), бу ҳосилни шартномавий нархлар билан сотишга ижозат берилган. Нега энди у шу пайтгача бу ерда турибди? Чунки ҳом ашёни ўзлари қайта ишласа фойдалироқ бўлади. Эртамас-индин хўжаликнинг ўз пахта заводи ишлай бошлайди ва у воситачиларсиз толани сотиши мумкин бўлади. Дарвоқе, қишлоқликларнинг ўзидан кадрлар аллақачон тайёрлаб қўйилган. Айни вақтда чигитдан мой оладиган ускуналар бутланмоқда. Бироқ энг муҳими — ип йигириш ва трикотаж фабрикалари қурилмоқда, демак янги иш жойлари вужудга келади. Тикувчилар эса ҳозирнинг ўзидаёқ ишга киришганлар: хўжаликда аёлларни, шу жумладан, кўп болали оналарни касаначилик меҳнати билан таъминлайдиган кооператив ташкил этилганига бир неча йил бўлди, маданият уйида эса махсус курслар ишлаб турибди.

Завод ва фабрикаларнинг қувватлари жамоа хўжалиги (ёки уюшма)нинг ўзи олаётган пахтадан кўра кўпроқ ҳажмга мўлжалланган, демак пахтани қўшнилардан сотиб олиш мумкин бўлади. Шу тариқа пахтани қайта ишлаш саноатининг монополияси барҳам топа бошлайди. Ялпи тақчиллик шароитида тайёр маҳсулотлар билан савдо қилиш нақадар манфаатли эканлиги тушунарли. Савдо қилганда ҳам янги тижорат ташкилотларини уюштириб, дўконлар очиб савдо қилинади. Уларда ишлайдиган кишилар бор — янги авлод вояга етмоқда.

Манзара тўлиқроқ бўлиши учун шуни ҳам айтиб қўяйлик: 500 тонна сабзавот сиғадиган музхонали омбор қурилган (ундан 400 минг сўмгача фойда олинади), «Диёр» деган кичик корхона ташкил этилган — у пахтани қайта ишлаш муаммолари билан чуқур шуғулланмоқда, хўжаликнинг ўз картон фабрикасини (целлюлоза пахта чиқитларидан олинади) қуриш режалаштирилган. Хуллас, ҳозир уюшмада 22 та кооператив бор. Ишлаб чиқариш воситалари уларга топширилган, Қизиғи шундаки, Мадиёровнинг ўзи ва яна 14 бошқарув ходими энди ҳокимият эмас, балки мазкур кооперативлар ва кичик корхоналарга хизмат қилувчи ходимларга айланган. Уларга ҳақ тўланади ва топшириқ берилади. Уларнинг иши — моҳирона раҳбарлик қилишдан иборат. Шунисини айтиб қўяйлик: бу ерда эркин хизмат ва меҳнат қилмоқдалар, ўзлари ҳам фойда олмоқдалар, кўпчиликка ҳам фойда етказмоқдалар, аммо ҳеч ким буйруқ бермайди, дўқ қилмайди ва ҳеч ким хушомад юзасидан хизматкорлик қилмайди. Бошқарувчилар хусусий ва жамоа бўлиб ишлаётган ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар. Дарвоқе, келгуси йили Мадиёров элланма ходим сифатида кооперативларнинг уюшмаси билан шартнома тузади.

Айни вақтда мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш жараёни бошланмоқда: пахта заводи ва фабрикаларнинг қиймати миқдорида акциялар чиқарилади. (Қизиқ, масалан, акция эгаси бўлган уй бекасини ишсиз деса бўладими?) Мадиёров тизими фаолиятининг икки йили давомида колхозчиларнинг иш ҳақи икки ҳисса, меҳнат унумдорлиги икки ярим баравар ошди (бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг ҳеч қандай қарорига ҳожат бўлмади).

Бироқ — тўхтаб туринг: вазиятни тасвирлаш бошқа-ю, ходимларнинг ўз фикрини эшитиш бошқа. Биз икки оилада бўлдик. Мана — механизатор Қўчқор Аҳмедовнинг хонадони. Унинг ўзи шундай шароитда ишлайдики, техникани эҳтиёт қилиши ва унинг бекор туришига йўл қўймаслиги керак, акс ҳолда ўз ҳамёнидан пул тўлашга тўғри келади. У ем-хашак тайёрлаш ишида меҳнат қилади.

— Энди қайси ишни қачон қилиш кераклигини, қайси меҳнат учун қанча ҳақ олишни аниқ биламан. Чунки энди ҳеч ким фармойиш бермайди, — дейди Қўчқор. — Ўтган ойда 600 сўм ҳақ олдим, ўтган йили олган ҳақим 8 минг сўмга борди.

— Етадими?

— Ростини айтсам, кейинги вақтларда сал қийин бўлаяпти. Нарх-наво кўтарилиб кетди, бозорларда ҳам ҳамма нарса қиммат..

Янги нарх-навога келганда — бу ҳамманинг бошига тушган ташвиш. Қанчалик уринсанг ҳам, ҳалол ишлаб топилган ҳар қанча маош ҳам мўл-кўлчиликни таъминлай олмайди. Аҳмедовларнинг эса қўшимча харажатлари чиқиб қолди: улар коттеж сотиб олишди. У ҳаммаси бўлиб 30 минг сўм туради. Аммо фақат 60 фоизини тўлаш керак (йилига 3 минг сўмдан), қолган қисмини уюшма умумий фойдадан тўлаб юборади. Расман олганда оилада фақат Қўчқорнинг ўзи ишлайди. Хотини ёш болалар билан овора (уларнинг тўрт фарзанди бор). Аммо хотини кичкинтойлари ўсиб катта бўлгач ҳам уй бекаси бўлиб қолаверса, ҳатто четдан иш олмаган тақдирда ҳам уни асло ишсиз деб бўлмайди. Бундан ташқари уларнинг оилавий 20 сотих ери бор, сигирини (унинг сути ҳам колхозга топширилади), курка ва товуқларни ҳам боқиш керак. Дарвоқе, барча уй бекаларининг меҳнат дафтарчалари бор.

Ғайбуллаевлар оиласида эса эр ҳам, хотин ҳам ишлайди (тўғри, эри ҳозирги вақт нуқтаи назаридан унчалик кўп эмас — 300 сўм ойлик олиб ўқитувчилик қилади). Уй бекаси —Зебонисо опа билан суҳбатлашдик.

— Биз уч гектар пахтазорни ижарага олдик, — дейди у. — Асосан мен ишлайман, бўш вақтларида эрим ва болаларим қарашади, болаларим олтита. Албатта, ҳамма ишни ҳам ўзимиз қилмаймиз: сермеҳнат ишларни бажариш учун механизаторлар билан шартнома тузамиз, аммо тежашга ҳаракат қиламиз.

— Хўш, уч гектар ер катта оилани боқа оладими?

— Ўтган йили шу уч гектар бизга беш минг сўм даромад келтирди. Аммо ўз хўжалигимиз бор: иккита сигир қунига 15 литр сут беради, уни колхозга сотамиз, томорқамиз бор — шу кўкламда ундан салкам бир ярим минг сўмлик ошқўк сотдик. Турмушимиз ёмон эмас-ку, аммо кўп моллар талон билан берилмоқда, ун етишмаяпти, кийим-бош топиш қийин... Тезроқ ўз тикув фабрикамиз ишга туша қолсайди...

Ҳа, бу ерда уй бекасининг нарх-наво ва моллар ҳақида айтган гапларини мамлакатдаги ҳар бир аёл айтиши мумкин: Турмуш оғир, аммо шундай бўлсада, биз колхоздагилар бинойидек яшаб туришганини кўрдик. Ўз истиқболларини биладилар ва унга ишонадилар, фарзандларига ишсизлик хавф солишидан чўчимайдилар (бу ердаги 6 минг аҳолидан 1600 киши — мактаб ўқувчиси). Хуллас, ҳаммаси яхшими?

— Йўқ, ҳаммаси ҳам эмас, — деди раис. —Янги иш жойлари ҳосил қилиш учун яна ҳаражат қилиш керак, кейинги вақтда эса солиқлар гирибонимиздан олмоқда: иш ҳақи жамғармасига, фойдага ва шу кабиларга солиқ солинмоқда. Мана, бу йил биз олти миллион сўм даромад олишни режалаштираяпмиз. Аммо икки миллион сўмга яқинини солиққа тўлашимиз керак. Агар иш ҳақи чиқариб ташланса, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳеч вақо қолмайди...

Ҳар ҳолда бизнинг ҳокимиятимиз жамоа хўжаликларини ёқтиради. Аммо шоир айтганидек, ғалати тарзда ёқтиради. Нохуш аньанага кўра, у деҳқонларни шилишни кўзлайди. Қандайдир ғаройиб ҳолат: аҳолини иш билан таъминлаш дастурлари қабул қилинмоқда, 1 июлдан бошлаб ишсизлик юзасидан нафақалар тўланади. Корхоналар (шу жумладан, жамоа хўжаликлари) бўйнига ҳам шундай солиқ сиртмоғи солиб қўйилганки, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бинобарни янги иш жойларини барпо этиш ҳақида оғиз очиб ҳам бўлмайди. Бизга: солиқлар ишсизлик юзасидан берилаётган нафақаларга ҳам сарфланади, дейишлари мумкин. Бизнинг жавобимиз бундай: ёрдамга аслида жуда оз тегади, уни бюджетдан, айтайлик, мудофаа учун қилинадиган ҳаражатлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди.

Биздаги солиқ тизимининг ўзи аслида яроқсиз. Агар қайси ишга сармоя сарфлаш кўпроқ манфаат келтириши ҳақида эмас, балки ходим билан қандай қилиб ҳисоб-китоб қилиш ҳақида ўйлашга тўғри келадиган бўлса, мўл-кўлчиликка эришиб ҳам, одамларни иш билан таъминлаб ҳам бўлмайди. Шуни ҳам айтиб қўяй: фуқаролардан олинадиган даромад солиғига келганда, худога шукур, СССР Олий Кенгаши Қонунга тузатишлар қабул қилди, энди биз «бойиш» учун расмий оқ фотиҳа олдик, соддароқ қилиб айтганда, ҳар қандай иш ҳақидан кўпи билан 30 фоиз солиқ олинадиган бўлди. Лекин навбатдаги қадамларни ҳам қўйиш зарур: ижтимоий истеъмол жамғармалари деб аталган фондларга ажратма бериш тизимини қайта кўриб чиқиш, корхоналар, колхозлар, кооперативларнинг фойдасидан олинадиган солиқ миқдори учун мақбул меъёрни топиш керак. Бу ишни кечиктириб бўлмайди. Нимани кутяяпмиз! Ким Пен Ҳва номли жамоа хўжалиги каби хўжаликлар хонавайрон бўлишини ва меҳнат бозорида яна бир неча минг ишсиз пайдо бўлишини кутяпмизми! У ҳолда ишсизларга қайси солиқлардан нафақа тўлаймиз! Чиндан ҳам биз олтин тухум бераётган товуқни бўғаяпмиз.

Охир-оқибатда соғлом фикр устун бўлиб чиқишига Турғунбой Мадиёров ишонади. Аммо вақтни зое ўтказиб бўлмайди. У бир илож топиш учун халқ ҳунармандчилигини тиклаш ҳақида ўйламоқда, тўғри, бошқа йўл ҳам бор: ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, бошқалар каби яшаш ҳам мумкин. Имкони бор кишиларни иш билан таъминлаб, янги корхоналарга пул сарфламаслик, бошқа кишиларни эса давлат қарамоғида қолдириш ҳам мумкин, бундан худо асрасин.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг ўзидаги вазият ибратлидир. Жумҳурият Меҳнат вазирлигида бизга иш билан таъминлаш муаммолари, дастурлари ва режалари ҳақида узоқ вақт гапириб беришди. Бюджетнинг маблағи етишмаслигини сабаб қилиб, ҳатто нархнаво ошганлиги билан боғлиқ бўлган компенсация тўловларини ишсизлик юзасидан бериладиган нафақа деб кўрсатишга уриндилар. Аммо муҳими шуки, Ўзбекистонда шу пайтга қадар иш билан таъминлаш ҳақида қонун қабул қилингани йўқ, ишсизнинг мақоми белгиланмаган. Иш билан таъминланмаган аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги муваққат Низомгина амал қилиб турибди. Бу ердагиларнинг айтишича, бир миллион ишсиз бўлган жумҳуриятдаги аҳвол ана шундай. Бизни кечирсинлар-у, аммо йиғиси ғиғ қилиш ўрнига ниҳоят қотиб қолган нуқтадан қўзғалиш пайти келмаганмикан?

Мадиёровнинг тажрибаси шуни исботлайди: меҳнат бозори деҳқонга эрк беришдан бошланади, ер, чорва, ишлаб чиқариш қуроли ҳақли равишда деҳқонга тегишлидир. Агар умуман мамлакат ҳақида гапирадиган бўлсак, умуман соғлом фикр иқтисодиёти каби меҳнат бозори ҳам ўз иш кучи, ақл-заковати ва истеъдодининг тўла эгаси бўлган эркин инсондан бошланади; у хушомад билан хизматкорлик қилмай, қаерда ва кимга хизмат қилишни эркин танлаб оладиган бўлишидан бошланади.

В. БИРЮКОВ,
О. ОСИПОВ,
(«Труд»нинг махсус мухбирлари).

Ўзбекистон ССР.

(«Труд» рўзномасининг 1991 йил 5 июль сонидан).

КПСС Марказий Комитети матбуот марказида

Шу кунларда «Демократик ислоҳотлар ҳаракати»ни тузиш ташаббуси билан чиққан бир гуруҳ сиёсий арбобларнинг мурожаати жамоатчилик эътиборини ўзига тортди.

Мурожаатдаги ҳамма қоидалар ҳам бир хил қабул қилинаётгани йўқ. Айни вақтда КПСС Марказий Комитети раҳбарияти партия аъзоларининг «Демократик ислоҳотлар ҳаракати» дастурасида, агар эълон қилинган мақсадлар амалий ишларда тасдиқланадиган бўлса, улар билан амалий ҳамкорлик қилиш имкониятини истисно этмайди.

Янги ижтимоий-сиёсий бирлашманинг пайдо бўлиши ҳозирги шароитда қандайдир ғайритабиий ҳодиса эмас. Шу билан бирга, кейинги йилларнинг сабоқлари шуни тасдиқламоқдаки, қайта қуришни қўллаб-қувватлаш шиорлари остида пайдо бўлган жамоатчилик ҳаракатларининг бир нечтаси кейинчалик ўзининг дастлаб эълон қилган мақсадларини ўзгартириб юборди. Коммунистлар ҳаракат ташаббускорларининг баъзи баёнотларида КПССдаги турли оқимлар ва айрим коммунистлар тутган йўлни ўзига хос равишда текширишга уринаётганликларини кўриб турибдилар. Бундай уринишлардан кейин партиямизни парчалаб ташлашга қаратилган амалий ҳаракатлар бошланишини олдиндан кўриш қийин эмас. Бу эса, табиийки, кишини муайян даражада безовта қилади.

Бундай шароитда КПСС Марказий Комитети партия ташкилотлари, коммунистлар юзага келаётган вазиятни, XXVIII съезд қарорлари ҳамда яқин орада бўладиган КПСС янги Дастури умумпартиявий муҳокамаси асосида партия бирлигини, унинг жипслигини сақлаб қолиш учун жавобгар эканликларини чуқур тушунишлари лозим, деб ҳисоблайди.

Ф. Гонсалес Москвага ташриф буюрди

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг таклифига мувофиқ Испания ҳукуматининг раиси Ф. Гонсалес 7 июль куни Москвага расмий ташриф буюрди.

Уни Внуково аэропортида СССР Бош вазирининг биринчи ўринбосари В. И. Шчербаков, СССР ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертних, бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Меҳмонга бундай даражадаги ташрифлар учун СССР давлат протоколида назарда тутилган тартибга мувофиқ ҳурмат бажо келтирилди.

Автомашиналар карвони мотоциклчилар эскорти ҳамроҳлигида аэропортдан Испания ҳукумати бошлиғининг Москвадаги боргоҳига йўл олди.

(ТАСС).

КИЕВДАГИ УЧРАШУВДА

5 июль куни туш пайтида СССР Президенти М. С. Горбачев ГФР Федерал канцлери Г. Коль билан бир кунлик амалий учрашув ўтказиш учун Киевга келди.

СССР Президенти республика раҳбарлари билан суҳбатлашди. Орадан бир ярим соат ўтгач, бу ерга ГФР Федерал канцлери Г. Колнинг самолёти келиб қўнди. М. С. Горбачев меҳмонни самимий табриклаб кутиб олди. Совет ва Германия раҳбарлари Киев яқинидаги қадимий ҳушманзара ерга — Межигорьега йўл олдилар.

М. С. Горбачев билан Г. Коль тўрт соатдан ортиқроқ суҳбатлашдилар. Суҳбат орасида улар боққа чиқиб, сайр этиш учун қисқача танаффус қилдилар. Шу иш тугагач, улар Совет-Германия катта шартномасига доир ва сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартномага доир ратификация ёрлиқларини айирбошладилар.

Кечқурун М. С. Горбачев Г. Коль шарафига зиёфат берди.

Шу куни иккала мамлакат раҳбари Киевдан жўнаб кетдилар.

(ТАСС).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА ДОРИЛФУНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

1991–1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМНИНГ БИРИНЧИ КУРСЛАРИГА ҚУЙИДАГИ КУЛЛИЁТЛАР ВА ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КУЛЛИЁТИ

05.21 — Дизайн (кундузги).

ГЕОЛОГИЯ-КИДИРУВ (ИШЛАРИ) КУЛЛИЁТИ

07.14 — Тоғ саноати ва геология-қидирув ишларининг иқтисодиёти ва бошқариш (кундузги).
* 08.01 — Геологик суратга олиш, қазилма бойликларни излаш ва разведка қилиш (кундузги, сиртқи).
* 08.02 — Разведка ва излашнинг геофизик усуллари (кундузги).
* 08.04 — Гидрогеология ва муҳандислик геологияси (кундузги, сиртқи), технологияси ва техникаси (кундузги).
* 0806 — қазилма бойликлар конларини разведка қилиш технологияси ва техникаси (кундузги).

ТОҒ — КОН МЕТАЛЛУРГИЯ КУЛЛИЁТИ

* 09.01 — Маркшейдерлик ишлари (кундузги).
* 09.02 — Фойдали қазилма конларини қазиб олишнинг ер ости усуллари (кундузги).
* 09.03 — Фойдали қазилмаларни бойитиш (кундузги).
* 09.05 — Очиқ кон ишлари (кундузги).
* 10.04 — Электр билан таъминлаш (кундузги).
* 11.02 — Рангли металлар металлургияси (кундузги).
* 17.01 — Кон машиналари ва ускуналари (кундузги).

НЕФТЬ ВА ГАЗ КУЛЛИЁТИ

07.03 — Нефть ва газ саноати тармоқлари иқтисодиёти ва бошқаруви (сиртқи).
* 08.02 — Разведка ва излаш ишларининг геофизик усуллари (кундузги).
* 08.05 — Нефть ва газ геологияси (кундузги, сиртқи).
* 09.07 — Нефть ва газ конларини қазиб олиш ва улардан фойдаланиш (кундузги).
* 09.08 — Нефть-газ қувурлари ва газ-нефть омборларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш (кундузги, сиртқи).
* 09.09 — Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш (кундузги).
25.13 — Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш (кундузги, сиртқи).

ЭНЕРГЕТИКА КУЛЛИЁТИ

07.03 — Ёнилғи энергетика комплексининг иқтисодиёти ва бошқаруви (кундузги).
* 10.01 — Электр станциялари (кундузги, сиртқи).
* 10.02 — Электр-энергетика системалари ва тармоқлари (кундузги, сиртқи).
* 10.05 — Иссиқлик электр станциялари (кундузги).
* 10.06 — Иссиқлик электр станцияларида сув ва ёнилғи технологияси (кундузги).
* 18.01 — Электромеханика (кундузги, сиртқи).
* 21.04 — Электроэнергетика системаларининг автоматик бошқаруви (кундузги).

САНОАТ ЭНЕРГЕТИКАСИ КУЛЛИЁТИ

* 10.03 — Гидроэлектроэнергетика (кундузги).
* 10.04 — Саноат корхоналарини ҳамда шаҳар ва қишлоқ хўжаликларини электр билан таъминлаш (кундузги).
* 10.07 — Саноат иссиқлик энергетикаси (кундузги).
* 18.03 — Электр изоляцияси, кабель ва конденсаторлар техникаси (кундузги).
* 21.05 — Электр юритгич ва саноат қурилмалари ҳамда технологик мажмуаларни автоматлаштириш (кундузги).
19.06 — Метрология, стандартлаш ва сифатни бошқариш (метрология ва метрологик таъминлаш (кундузги).

МЕХАНИКА КУЛЛИЁТИ

07.01 — Машинасозлик иқтисодиёти ва бошқаруви (кундузги, кечки).
— Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (кундузги, кечки).
— Саноат менежмент ва маркетинги (кундузги).
* 12.01 — Машинасозлик технологияси (кундузги, кечки, сиртқи).
* 12.02 — Металларни қирқиш станоклари ва асбоб-ускуналари (кундузги, кечки).
* 12.09 — Машиналарнинг динамикаси ва мустаҳкамлиги (кундузги).
19.05 — Метрология, стандартлаш ва сифатни бошқариш (сифатни бошқариш ва стандартлаш кундузги).

ТЕХНОЛОГИЯ КУЛЛИЁТИ

* 12.03 — Қуюв ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси (кундузги, кечки).
* 12.04 — Металларга босим билан ишлов бериш машиналари ва технологияси (кундузги, кечки).
* 12.05 — Пайвандлаш ишларининг технологияси ва жиҳозлари (кундузги, кечки).
12.08 — Машинасозликдаги материалшунослик (кундузги).

САМОЛЁТСОЗЛИК КУЛЛИЁТИ

07.16 — Ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
— Самолётсозлик ишлаб чиқаришини ташкил этиш (кечки қисқартирилган таълим).
— Саноат менежменти ва маркетинги (кечки, қисқатирилган таълим).
* 13.01 — Самолётсозлик ва вертолётсозлик (кундузги, кечки).
13.07 — Учиш аппаратлари (кундузги).

МАШИНА ВА АППАРАТЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ КУЛЛИЁТИ

15.01 — Ички ёнув двигателлари (кундузги, кечки).
15.02 — Автомобиль ва тракторсозлик (кундузги, кечки).
15.03 — Қишлоқ хўжалик машинасозлиги (кундузги, кечки).
* 16.03 — Паст ҳарорат техникаси ва физикаси (кундузги, кечки).
* 17.05 — Кимё ва қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш саноати машиналари ва қурилмалари (кундузги).

ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА КУЛЛИЁТИ

20.01 — Физикавий электроника (кундузги).
20.03 — Микроэлектроника ва ярим ўтказгич асбоблари (кундузги, кечки).
20.05 — Саноат электроникаси (кундузги, кечки).
* 21.01 — Техника тузумларини бошқариш ва автоматлаштириш (технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматик тизимлари (кундузги, кечки).
* 21.06 — Робототехника тузумлари ва мажмуалари (робототехника тузумларини бошқариш (кундузги).
23.01 — Радиотехника (кундузги, кечки).

ЭЛЕКТРОН АСБОБСОЗЛИК КУЛЛИЁТИ

18.05 — Автоматлаштирилган электро-технологик қурилмалар ва тузумлар (кундузги).
20.02 — Электрон техника материаллари ва компонентларининг физикаси ва технологияси (кундузги).
* 21.01 — Техника тузумларини бошқариш ва автоматлаштириш (кундузги).
* 21.06 — Робототехника тузумлари ва мажмуалари (кундузги).
* 22.05 — Электрон-ҳисоблаш воситаларни лойиҳалаши ва унинг технологияси (кундузги, кечки).
20.06 — Электрон машинасозлиги (кундузги).
23.03 — Радиоэлектроника воситаларини лойиҳалаш ва унинг технологияси (кундузги, кечки).

СИСТЕМОТЕХНИКА КУЛЛИЁТИ

* 21.03 — Технологик жараёнларни ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (кундузги, сиртқи).
* 22.01 — Ҳисоблаш машиналари мажмуалари, тузумлари ва тармоқлари:
— Маҳсуллаштирилган ЭҲМ, тузумлар, тармоқ мажмуалари (кундузги).
— ЭҲМ, тузумлар тармоқлар ва мажмуаларни лойиҳалашни автоматлаштириш.
22.02 — Ахборотларни ишлаш ва бошқаришни автоматлаштириш тузумлари (кундузги, кечки).
22.03 — Лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тузумлари (кундузги).
22.04 — Ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган тузумларни программа билан таъминлаш (кундузги, кечки).

ОЛМАЛИҚ КУЛЛИЁТИ (Олмалиқ шаҳри, Ленин кўчаси, 56)

* 08.02 — Разведка ва ишлашнинг геофизик усуллари (кундузги).
* 09.03 — Фойдали қазилмаларни бойитиш (кечки).
* 09.05 — Очиқ кон ишлари (кечки).
* 11.02 — Рангли металлар металлургияси (кундузги, кечки).
* 17.01 — Кон машиналари ва ускуналари (кечки).
* 21.05 — Электр юритгич ҳамда саноат қурилмалари ва технологик мажмуаларни автоматлаштириш (кундузги, кечки).

АНГРЕН КУЛЛИЁТИ (Ангрен шаҳри, 5/2-мавзе)

* 09.02 — Фойдали қазилма конларини қазиб олишнинг ер ости усуллари (кечки).
* 09.05 — Очиқ кон ишлари (кечки).
* 10.04 — Электр билан таъминлаш (саноат корхоналарини кундузги, кечки).
* 10.05 — Иссиқлик электр станциялари (кундузги, кечки).

ЧИРЧИҚ МЕХАНИКА-ТЕХНОЛОГИЯ КУЛЛИЁТИ (Чирчиқ шаҳри)

* 12.01 — Машинасозлик технологияси (кундузги, кечки).
* 12.04 Ф — Металларга босим билан ишлов бериш машиналари ва технологияси (кундузги, кечки).
* 17.05 — Кимё ва қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш саноати машиналари ва қурилмалари (кундузги, кечки).
* 18.01 — Электромеханика (кечки).
* 21.03 — Технологик жараёнларни ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (кундузги, кечки).
* 21.05 — Электр юритгич ва саноат қурилмалари ҳамда технологик мажмуаларни автоматлаштириш (кундузги, кечки).

ҚАРШИ КУЛЛИЁТИ (Қарши шаҳри, Шибаев шоҳкўчаси)

* 09.07 — Нефть ва газ конларини қазиб олиш ва улардан фойдаланиш (кундузги, кечки).
* 09.09 — Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш (кундузги, кечки).
* 10.04 — Электр билан таъминлаш (саноат корхоналарини кундузги).
* 10.05 — Иссиқлик электр станциялари (кундузги).

АНДИЖОН УМУМТЕХНИКА КУЛЛИЁТИ

*12.01 — Машинасозлик технологияси (кундузги, кечки).
* 12.03 — Қуюв ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси (кундузги, кечки).
* 12.05 — Пайвандлаш ишларининг технологияси ва жиҳозлари (кундузги, кечки).

ЭСЛАТМА: «*» — ўта камёб мутахассисликлар.

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

ДОРИЛФУНУНГА КИРУВЧИЛАРДАН АРИЗАЛАР ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: КУНДУЗГИ ТАЪЛИМГА 15 ИЮЛГАЧА; КЕЧКИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМГА 25 ИЮЛГАЧА.

Эслатма: Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида хизмат қилаётган шахслар қабул қилинади.

Қабул комиссиясига топширилиши керак бўлган ҳужжатлар: ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажига эга бўлганлар учун, 3Х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат, эрта кириш имтиҳонларини топширган абитуриентлар учун маълумотнома (сертификат).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ўқишни 1991 йилда битириб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кираётганлар аризага қўшимча равишда иш жойидан маълумотнома топширадилар.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

— кундузги таълим учун 16 июлдан 30 июлгача.
— кечки ва сиртқи таълим учун 5 августдан 20 августгача.

Дорилфунунга кириш учун учта фандан имтиҳон топшириш белгиланган (05.21 — мутахассислиги бундан истисно). Булардан иккитаси конкурсли — 5 балл баҳоли, тил-адабиёт бўйича конкурссиз «ўтди» ёки «ўтмади» тарзида 2 балли баҳо билан белгиланган.

05.21 — «Дизайн» мутахассислиги бўйича тўртта фандан кириш имтиҳонлари белгиланган; улардан учтаси соҳага оид (конкурсли) бўлиб — техник расм, живопись ва композиция фанларидан, биттаси тил-адабиётдан (конкурссиз) иншо шаклида ўтказилиб, «ўтди» ёки «ўтмади» системасида баҳоланади.

Эслатма: Ўрта мактабни ўзбек (рус) тили ва адабиёти фанларидан «аъло» ва «яхши» баҳоларга тамомлаган шахслар ўзбек (рус) тили ва адабиётидан бўладиган имтиҳондан озод қилинади.

Ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилда мактабда таҳлил кўрган шахслар кейинчалик қайси тилда таҳсил кўришларига қараб ўзбек ёки рус тилида диктант ёзадилар.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатган абитуриентлар битта математикадан (ёзма) имтиҳон топширадилар.

05.21 — «Дизайн» мутахассислигига кирувчилар эса иккита фандан — техник расм ва живописьдан имтиҳон топширадилар. Имтиҳонлардан «аъло» баҳо олган абитуриентлар қолган имтиҳонлардан озод этилади, «яхши» ёки «қониқарли» баҳо олган абитуриентлар қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Бу қоида ўрта ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугатган ва билим юртида олган мутахассислигига мос келувчи мутахассисликка кирувчи абитуриентларга таалуқлидир.

Танқис мутахассисликлар ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ёки ўрта махсус ўқув юртларини ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатган шахслар суҳбат натижалари асосида қабул қилинадилар. Суҳбат кириш имтиҳонларидан олдин ўтказилади.

Кўрсатилган тартиб ўрта таълим базасидаги ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатиб, эга бўлган касблари қабул қилинаётган мутахассисликка мос бўлган шахслар учун жорий қилинган.

Дорилфунунда танлаган мутахассислиги мавжуд ўрта махсус таълимига мос бўлган ва шу мутахассислик бўйича ишлаётган муддати 1 йилдан кам бўлмаган шахслар суҳбат натижалари бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга қабул қилинади. Суҳбат кириш имтиҳонларидан олдин ўтказилади.

Дорилфунунга кираётганлар конкурс имтиҳонларидан тўплаган баллари миқдори бўйича конкурс асосида қабул қилинадилар.

Қабул комиссиясининг манзилгоҳи: 700095, Тошкент—95, Талабалар шаҳарчаси, Мирошкина кўчаси, 2, Тошкент давлат техника дорилфунунининг бош биноси, қабул комиссияси, 217-хона, телефон: 46-61-17.

ТОШКЕНТ МЕЪМОРЧИЛИК-ҚУРИЛИШ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМНИНГ БИРИНЧИ КУРСЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ ТАЪЛИМГА:

0708 — Қурилишда иқтисодиёт ва бошқарув.
1211 — Гидравлика машиналари, гидроузатмалар ва гидропневмо автоматика.
2203 — Автоматлаштирилган лойиҳалаш системалари.
2601 — Ўрмон муҳандислиги иши.
2901 — Меъморлик.
2903 — Саноат ва фуқаро қурилиши.
2904 — Гидротехника қурилиши.
2905 — Коммунал қурилиш ва хўжалик.
2906 — Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.
2907 — Иссиқлик-газ билан таъминлаш, шамоллатиш.
2908 — Сув билан таъминлаш, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш.
3001 — Амалий геодезия.

КЕЧКИ ТАЪЛИМГА:

0708 — Қурилишда иқтисодиёт ва бошқарув.
0716 — Ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
2901 — Меъморлик.
2903 — Саноат ва фуқаро қурилиши.
2904 — Гидротехника қурилиши.
2905 — Коммунал қурилиш ва хўжалик.
2906 — Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.
2907 — Иссиқлик-газ билан таъминлаш.
2908 — Сув билан таъминлаш, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.
3001 — Амалий геодезия.

СИРТҚИ ТАЪЛИМГА:

0708 — Қурилишда иқтисодиёт ва бошқарув.
2903 — Саноат ва фуқаро қурилиши.
2906 — Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.
2907 — Иссиқлик-газ билан таъминлаш, шамоллатиш.

ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИГА:

КУНДУЗГИ ТАЪЛИМГА:

0708 — Қурилишда иқтисодиёт ва бошқарув.
2903 — Саноат ва фуқаро қурилиши.
2906 — Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.
2908 — Сув билан таъминлаш, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.

КЕЧКИ ТАЪЛИМГА:

0708 — Қурилишда иқтисодиёт ва бошқарув.
2903 — Саноат ва фуқаро қурилиши.
2906 — Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.
2908 — Сув билан таъминлаш, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш.

НУКУС УМУМТЕХНИКА КУЛЛИЁТИ:

КУНДУЗГИ ТАЪЛИМГА:

2903 — Саноат ва фуқаро қурилиши.
2908 — Сув билан таъминлаш, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш.

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

Тошкент меъморлик-қурилиш институтига талабалар қабули олий ўқув юртларида ўқиш учун ўта пухта тайёрланган ёшлардан танлов асосида ўтказилади.

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАРДАН АРИЗАЛАР ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: КУНДУЗГИ ТАЪЛИМГА 16 ИЮЛГАЧА; КЕЧКИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМГА 5 АВГУСТГАЧА.

Қабул комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати: ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома; 3×4 см. ўлчамли 6 та фотосурат;

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчиларнинг аризасига қўшимча равишда иш жойидан маълумотнома бўлиши керак.

Кириш имтиҳонлари қуйидаги муддатларда ўтказилади: кундузги таълимга 16 июлдан 30 июлгача; кечки ва сиртқи таълимга 6 августдан 18 августгача.

Тошкент меъморлик-қурилиш олий билимгоҳига кириш учун 3 та фандан имтиҳон топширилиши белгиланган. Улардан 2 таси соҳага оид (танловли) бўлиб, беш балли системада баҳоланади; учинчи имтиҳон ўзбек (ҚҚАССРда қорақалпоқ) ва рус тили ва адабиётидан (танловдан ташқари) диктант шаклида ўтказилади ва икки балли — «ўтди» ва «ўтмади» системасида баҳоланади.

Соҳага оид (танловли) имтиҳонлар танланган ихтисосларга боғлиқ бўлиб, қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади:

а) техникавий ва муҳандис-иқтисодиётчилик мутахассисликларига математика (ёзма) ва физика (ёзма);

б) меъморлик мутахассислигига расм ва чизмачилик.

Тошкент меъморлик-қурилиш институтида номзодларни талабаликка ўтказиш кириш имтиҳонларида олинган баҳоларнинг умумий сони бўйича танлов асосида амалга оширилади.

Кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган ҳарбий хизматдан ҳукумат белгилаган тегишли имтиёзлар билан қайтганлик ҳақидаги ҳужжатга эга бўлганлар, етимлар ва ота-онанинг қарамогидан махрум бўлган болалар, олий ўқув юртида ўқиш учун шифокорлар меҳнат-эксперт комиссияларининг хулоса ҳужжатига эга бўлган I-IIгуруҳ ногиронлари олий ўқув юртига танловдан ташқари қабул қилинадилар.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаллар, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли дипломлар билан тамомлаган талабаликка номзодлар 2901 — Меъморлик ихтисосидан ташқари қолган ҳамма ихтисосларга битта имтиҳон топширадилар — математика (ёзма); 2901 — меъморлик ихтисосига — расм.

«Беш» баҳо олинган тақдирда улар бошқа имтиҳонлардан озод этиладилар ва олий ўқув юртига қабул қилинадилар. «Тўрт» ёки «уч» баҳо олинган тақдирда қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Ўрта таълим базасидаги ҳунар-техника билим юртини «аъло» диплом билан тугатган шахслар фақат ўзлари эгаллаган соҳа ихтисосига кираётган ҳолда мазкур тартибга амал қилинади.

Танланган ихтисос бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва шу соҳада камида 1 йил ишлаганлар кириш имтиҳонларисиз суҳбат натижалари бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ҳамда сиртқи таълимга қабул қилинадилар.

0716 — «Ишлаб чиқаришни ташкил этиш» ихтисосига (ўқитиш қисқартирилган муддат бўйича — 4 йил) ўрта махсус маълумотга эга бўлган, қуйи малакадаги бошқарув лавозимларида камида 2 йил ишлаганлар кириш имтиҳонларисиз, суҳбат натижасида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки таълимга қабул қилинадилар.

Суҳбат кириш имтиҳонларидан 2-4 кун олдин ўтказилади.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан тамомлаб, камида бир йил ишлаган ёки ҳарбий хизматдан охирги уч йил ичида адо этиб қайтган, ўрта таълим базасидаги ҳунар-техника билим юртини «аъло» диплом билан тугатиб, танланган ёки унга яқин соҳада камида бир йил ишлаган талабаликка номзодлар соҳага оид (танловли) кириш имтиҳонини «беш» баҳога топширса, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ёки сиртқи таълимга қолган имтиҳонларни топширмасдан қабул қилинадилар.

БАРЧА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ БИЛАН МУВОФИҚЛАШТИРИЛГАН ДАСТУРЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Қабул ҳайъатининг манзилгоҳи: 700011, Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 13-уй. Телефон 41-13-62.

Умрлар бўладики, мангуликка тирикдир.
М. ШАИҲЗОДА.

У ёруғ дунёдан ризқ-насибаси узилаётганида фарзандларига васият қилди: «Умр бўйи ҳалол яшадим, ниманики орттирган бўлсам — ҳаммасини меҳнатим эвазига топганман». Ўлим-ку ҳамиша фожиа. Аммо шукрона, қаноат билан кўз юмиш сўнаётган ҳаёт шамига тасалли бўлса керак.

Қаҳрамонимиз ҳалол яшадим, деди. Лекин у баралла жўмард, мардона умр кўрдим, дейиши ҳам мумкин эди. Умр унга вафо қилди, бироқ жафоси ҳам оз эмас. Лоақал 1962 йилнинг кўклами охири ва ёз бошини эслайлик. Инфаркт... Унча-мунча одам омонатгина жонини ўйлаб, тарки дунё қилиб, юрагини ҳовучлаб инқиллаб ётавериши мумкин. (Дарвоқе, бундай кимсадангина гина қилишнинг ўзи гуноҳ).

БИР УМР САБОҒИ

• Ёднома

Ўлим тўшагида ётган олим хотини — Фотима аяга: «Ҳосилни чақиртиринг...» дейди. (гап кейинчалик академик бўлиб етишган Ҳосил Нурматович Бойтмуҳамедов ҳақида бормоқда). Муҳтарам домла ўша кезларда докторлик диссертациясини ёқлаш тараддудини кўраётган эди. Устоз унинг ишини яна бир карра кўздан кечириб, зарур маслаҳат берди. Шундан кейингина хотиржам бўлиб ёстиққа бош қўйди. Лекин, барибир, ҳаловат топмади. Профессор В. И. Поповни касалхонага ётқизди, шогирди Маннон Ҳамидовнинг ҳол-аҳволидан, илмий ишидан хабар олиб турди.

Бу нима — бағри кенглиқми, мурувватшафқатми? Ёки табиат унинг кўнглига одамларга меҳрли бўлишдек уруғни сочиб кетган-у, шу уруғ ниш уриб, ҳосил бериб, бутун умрга татидими?

Ҳа, ўша уруғ олимнинг бутун умрини обод қилди. Сиз-биз, бугунги авлод ва, эҳтимолки, келгуси авлодлар ҳам Ҳабиб Муҳамедович сиймосига, унинг илмий меросига, аллома ва инсон сифатидаги жасоратига ҳамиша талпиниб турадилар.

Академик Восил Қобулов хотирасидан: «Олтмишинчи йилларда аҳволим мушкул бўлиб қолди. 1962 йилда докторлик диссертациясини ёқладим. Аммо диссертацияни олий аттестация комиссиясида кўриб чиқиш чўзилиб кетди. Ишим ҳусусида иккита салбий тақриз тушган экан. Президент бундан хабар топиб, мен билан суҳбатлашди. У ўз ҳаётидан мисоллар келтириб бундай деди: «Бўшашманг, олишаверинг. Агар бўш келсангиз, одамларнинг меҳр-оқибатига эмас, балки нафратига дуч келасиз». Хуллас, олишавердим. Мен ҳисоблаш марказига бош бўлиб туриб, зарур мавзуни ишлаб чиқдим ва шу мавзуда диссертация ёқлаганимни, бу диссертация хулосаларидан фойдаланиш ҳисоблаш техникаси соҳасидаги ишни такомиллаштиришини ишонч билан исботладим.

Пировардида иш баҳайр бўлди. 1963 йилда Олий аттестация комиссиясининг пленуми ишни бир овоздан маъқуллади ва кўп ўтмай мен физика-математика фанлари доктори дипломини олишга муяссар бўлдим. 1962 йилда, гарчи, расман фан доктори бўлмасам-да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир-аъзолигига сайландим. Академия Президенти ва президиуми менга шу қадар катта ишонч билдиришдики, бу менга бамисоли қанот бахш этди».

Яхшилик, ҳар қалай, ерда қолмас экан. Академик Восил Қобулов эндиликда фанимизнинг оқсоқолларидан. Агар у босиб ўтган ҳаёт йўлига разм соладиган бўлсак, республикада кибернетика мактаби яратилди, олий малакали кадрлар етишиб чиқди, дейишимиз шубҳасиз.

Донишмандларни, уларнинг истеъдод куртаги, ниҳоли, нишоналарини асраб-авайлаш, парвариш қилиш, вояга етказиш керак. Абдуллаевдек алломанинг яна бир умр сабоғи ана шудир.

Бу ўринда яна ҳозир анқонинг уруғи бўлиб бораётган одамгарчилик ҳақида икки оғиз гапириб ўтсак: Ҳабиб Муҳамедович вице-президентлик кезида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ишлар бошқармаси қоровулликка янги одамни ишга қабул қилади. Ишлар мудири янги ходим ҳужжатларини дарҳол расмийлаштирмаганлиги сабабли қоровул биринчи маошини вақтида ололмай қолади. Бундан вице-президент хабар топиб, ишлар мудирини ҳузурига чақиради. Ҳалиги қоровулни ҳам таклиф қилиб бундай дейди: «Сиз бу ўртоқни танийсизми? Уни ишга олибсиз-ку, аммо бир ойдан бери маошини тўламабсиз. Ҳатто буйруқ ҳам чиқармабсиз».

Мудир бу ишга бепарво бўлганидан изза бўлибди. Ўшанда Ҳабиб Муҳамедович қоровулнинг аризасига ушбу сўзларни ёзиб қўйган экан: «Сансалорлик қилгани учун ишлар мудирининг ойлигидан ушлаб қолиб, ўтган ой учун қоровулга иш ҳақи тўлансин». Ҳозирги маҳмаданалик, гапдонлик чоғида бу қаттиққўллик, борингки, шафқатсизлик бўлиб туюлиши мумкин. Аммо баъзан «тегирмон тоши»ни ҳам юритиб туриш зарурга ўхшайди.

«Тегирмон тоши» иборасини мажозий маънода ишлатдим. Марҳумнинг боши тошдан эканми, не-не «тегирмонлар»га, не-не маломатларга дош берди. Бу ҳусусда бевосита гувоҳга сўз бериб қўяқолайлик. Нуриддин Муҳиддинов бундай деб ёзади: «1956 йил СССР Фанлар академияси президиумининг бир неча аъзолари, машҳур олимлар республика Фанлар академияси, унинг институтлари ва муассасалари фаолияти билан атрофлича танишиб чиққанларидан сўнг, фан штаби раҳбариятини мустаҳкамлаш зарур, деган яқдил фикрга келишди. Республикамизнинг етук олимлари, институт раҳбарлари ҳам худди шу фикрда эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси бу масалани кўриб чиқди. Бир қанча номзодлар муҳокама этилди. Улар республикамизнинг кўзга кўринган олимлари, ўз соҳаларининг йирик билимдонлари бўлиб, ҳар қайсилари академия президентлигига муносиб эди.

Ҳабиб Абдуллаев номзоди атрофида эса роса тортишув бўлди. Муҳокама асносида олимнинг 1950 йили нашр этилган «Руда ҳосил бўлишининг гранитоид интрузиялар билан генетик алоқаси» асари Тошкентда, қолаверса, Москвада ҳам олимлар ўртасида катта тортишувларга сабаб бўлганини эслашди. Ушбу йирик асарда олим геология фани назариётида катта бурилиш ясаган бўлиб, монография 1954 йили Москвада қайта нашр этилди. Мунозара шу даражага бориб етган эдики, муҳолифлари ҳатто «Ҳабиб Муҳамедович совет олими эмас, у буржуа олимларининг назариясини қўллаб-қувватлаяпти, улар билан ҳамфикр, биз учун у бегона» дейишгача бориб етишганди.

Гарчанд Иттифоқимизнинг йирик мутахассислари ва атоқли олимлари бундай айбномаларни инкор қилишган ва Ҳ. Абдуллаев чиндан ҳам янги назария яратганлигини эътироф этган бўлишларига қарамай, катта шов-шувга сабаб бўлган бу мунозара ҳали кўпчиликнинг хотирида эди. Марказкомнинг Бюро аъзоларидан айримлари унинг сиёсий етуклигига шубҳа билдиришди, яна баъзилар ўта қаттиққўл одам дейишди. Хуллас, бу номзоднинг ўтишига қаршилик кўрсата бошлашди. Узоқ тортишув, мунозара ва муҳокамалардан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказкоми Бюроси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президентлигига Ҳ. М. Абдуллаев номзодини тавсия этишга қарор қилди. Мазкур қароримиз нечоғлик тўғрилигини ҳаёт исботлади».

Шоир айтганидек, яхшиларнинг ҳиммати унутилмас, унутилмас улар олдидаги қарз. Бироқ изтироблар, азоб-уқубатлар, уйқусиз тунлар, юрак санчиқлари — хуллас, адолатсизлик оқибатидаги кўргиликларининг ҳаммаси муҳрланиб қолиб, юракда чандиқ ҳосил қилиши турган гап. Бугун биз, ғафлат ва жаҳолат пардаси кўтарилгандан кейин, кўзимиз «мошдек» очилиб, шунинг гувоҳи бўлиб турибмизки, (бундан 30—35 йил илгари ҳатто кўпгина мутахассислар шуни уқиб олмаган ёки буни истамаган эди) Ҳабиб домла фанда янги назария кашф этган, янги йўллар очмоқчи бўлган. Бу хусусда ҳатто ҳозир ҳам баҳслар тингани йўқ. У кезлари эса тортишувлар дангиздек кўпириб, нотиқлар қун чиқишидан то ботгунича минбардан тушмаган эдилар. Лекин гап фақат бундагина эмас. Кўҳна юнон файласуфи дўстига қараб, сен менга қадрлисан, лекин ҳақиқатнинг қадри бундан ҳам баландроқ, деган экан. Устоз умр бўйи фанда ҳам, ҳаётда ҳам ўша ноёб хазина — ҳақиқатни изладики, бу ул зоти шарифнинг яна бир ибратидир.

Олимнинг умри қисқа бўлди. Лекин бу шундай умрки, тоғ шаршарасини эслатади; бамисоли Ниагара, унинг ҳаётбахш зарралари узоқ-узоқларга таралиб, бутун бир халқни баҳраманд этиб турибди. У — аввало, илм-фанда новатор, кашшоф. Домланинг илмий уфқлари ҳозир ҳам ақлни шоширади, ҳайратга солади. Балки, фанни фақат миллатга тақаб қўйиш маъқул бўлмас. Аммо айтиш жаракки, Ҳабиб Муҳамедович ўзбек фанини жаҳон миқёсига олиб чиқди. Ўтмишдаги улуғ алломаларимиздан кейин ҳали бу камдан-кам одамга насиб бўлган.

Домла миллат-миллат бўлиб, бошини баланд кўтариб юриши учун ҳар соҳада етук кадрлар бўлиши кераклигини ҳаммамиздан илгари англаган ва бу соҳада қўлидан келган барча ишларни қилган эди.

Мана бугун мустақиллик васиқаси қўлимизда байроқ бўлиб турибди. Аммо уни кўтариш учун бақувват, билимдон, ишбилармон қўллар керак. Агар дастимиз баланд бўлиб бораверса, шунинг ўзи Ҳабиб акага қўйилган ҳайкал бўлади.

Абдулла АБДУҚОДИРОВ.

• Спорт



ЯНГИ ЎЙИНГОҲ

Ўтган шанба куни Зафар қўрғони ҳар қачонгидан гавжумлашди. Бекобод райони марказидаги бу кўркам маскан байрамона безатилган эди. Шоҳ кўча бўйлаб савдо расталарида хизмат кўрсатилар, атрофни эса карнай-сурнайларнинг овози тутган эди. Айниқса ёшларнинг қувончи чексиз. Боиси, улар ўзлари учун қуриб берилган ўйингоҳ фойдаланишга топширилаётганидан мамнун эдилар.

Тўрт минг томошабинга мўлжалланган бу ўйингоҳни бунёд этишда олтинчи ва ўнинчи кўчма механизациялашган колонналар, шаҳар йўл қурилиши ремонти бошқармаси ҳамда «Колос» ширкати жамоалари фаоллик кўрсатдилар. Ўйингоҳнинг тантанали очилиши ўзига хос манзара касб этди. 72 баҳорни қаршилаган меҳнат фахрийси Бўранбой ота Асроқулов алвон кокилни қирқди. Одамлар ўйингоҳ томон ҳаракат қилишди. Бу ерда яратилган шароитлар район миқёсида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш ва маҳорат ошириш учун етарли эди. Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари, югуриш йўлкалари замон талабларига мос. Айниқса, томошабинлар учун қўлай шароитлар бор. Ҳакамлар хоналари, спортчилар учун кийимхоналар, ювиниш ва дам олиш учун шароитлар, қолаверса, оқшом пайтлари машғулотлар ўтказиш учун мўлжалланган ёритгичлар ҳам ҳисобга олинган.

Ўйингоҳнинг очилиш маросимида жумҳурият Президенти маслаҳатчисининг ёрдамчиси Ю. Шодиметов, жумҳурият спорт комитети раиси муовини Н. Жалолов, вилоят партия комитетининг иккинчи котиби Ш. Маҳмудова, вилоят ижроия комитети раиси С. Саидалиев ва бошқа партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Ўйингоҳнинг рамзий калити касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти район кенгашининг раиси Р. Бекмуродовга топширилди.

— Болаликда футбол ўйнаганмиз. Назаримда ўзбеклар спортнинг шу турига кўпроқ ихлос қўйишган, — дейди район партия комитети биринчи котиби М. Расулов. — Лекин, кўча жамоасидан нари ўта олмасдик. Майдонимиз ҳам, дарвозаси ҳам кўча бўлар эди. Яшил майдонни ҳавас қилардик. Бекободликларнинг орзулари ушалди. Ҳали режаларимиз катта. Ўйингоҳ ёнида сув ҳовузи, спорт иншоотлари барпо этиш мўлжалланган. Лекин футболга кўпроқ аҳамият бераверамиз. Ниятимиз районимиз футбол командасини таркиб топтириб, жумҳурият, қолаверса, Иттифоқ миқёсидаги ўйинларда кўриш.

Тантанали маросимда мотоспротчилар, полвонларнинг кўргазмали чиқишлари бўлди. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган «Баҳор» рақс дастаси иштирокчиларининг чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Хушовоз хонанда Хайрулла Лутфуллаев, мақомчилар танлови ғолиби Эркин Рўзиматов, рақс устаси Маъмура Эргашеваларнинг хонишу хиромлари таҳсинга лойиқ бўлди. Тантана охирида «Далварзин» давлат хўжалиги ҳамда Дзержинский номли жамоа хўжалиги футболчилари ўзаро учрашдилар. Ўйин 3:3 ҳисобида тугади.

Б. АБДУКАРИМОВ,
ТошДУ талабаси.

Суратларда: ўйингоҳнинг очилишидан лавҳалар.
Суратқаш В. ТУРАЕВ.

ЎНГЛАНИШЛАР... ЎЗГАРИШЛАР

ФУТБОЛ

«Пахтакор» футболчилари мамлакат чемпионатини ҳал қилувчи давраси ўйинларини сусткашлик билан бошлаб, мухлисларни қаттиқ ранжитаётган эдилар. Айниқса, сафар учрашувларидан қуруқ қайтишлар жамоа мавқеини жуда бўшаштириб юборди. Ишқибозлар пахтакорчиларнинг ўнгланиб, олий лигадаги ўринларини сақлаб қолишларига гумон билан қарайдиган бўлиб қолишди.

Албатта, ютуқнинг ҳам, муваффақиятсизликнинг ҳам билвосита ва бевосита сабаблари бўлади. Чунончи, футболчиларимиз устози Ф. Новиков жамоани мавсумга ҳозирлашда турли камчиликларга йўл қўйилгани, оқибатда бугунга келиб, бесамара ўйинлар кўрсатилаётганини рўкач қилиш га ҳаракат қиларди. Балки, пахтакорчиларнинг бундай аҳволга тушиб қолишларига аксарият ўйинчиларни жароҳатланиб, майдон четида қолишгани ҳам сабабдир. Нима бўлганда ҳам жамоада соғлом муҳитнинг юзага келтирилмагани, ички имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмагани ҳар бир ўйинда намоён бўлиб турди. Боиси, ўйингоҳни тўлдириб ўтирган мухлисни футбол жамоасида олиб борилаётган «ички ишлар» эмас, балки ҳужумкор, тўпларга бой, мароқли ва мазмунли ўйин кўпроқ қизиқтиради.

Пахтакорчилар устози жамоада ташкилий ва тарбиявий ишларни анчайин бўшаштириб юборгани, ўйиндан-ўйинга футбол жамоамиз нуфузи тушиб кетаётганини инобатга олиб, баъзи ўзгартиришлар қилишга тўғри келди. Чунончи, собиқ пахтакорчи, Ўзбекистон физкультура ва спорт Давлат комитети футбол бўлими бошлиғи Ахрол Миноятов пахтакорчилар устози этиб тайинланди.

Назаримда янги устознинг қадами хайрли бўлди. Чунки, пахтакорчилар Харьковнинг «Металлист» жамоаси билан зўр ўйин кўрсатишди, деса бўлади. Бу сафар ҳужумкорлик ажойиб мудофаа қабилида иш тутилди. Самараси чакки бўлмади. Футболчиларимиз уюшқоқлик билан ўйнашди. Ўйингоҳда минглаб ишқибозларнинг тўрт марта ҳайқириқлари янгради. Биринчи бўлиб Квиткаускас ҳисобни очди. Кейин Миржалол Қосимов бурчакдан дарвозани аниқ нишонга олиб, ҳисобни яна биттага оширди. Сўнг тўпурур И. Шквирин икки марта ўзини кўрсатди.

Шу ўйиндан аён бўлдики, пахтакорчилар ўнгланиш сари қадам қўйгандек бўлиб туришибди. Лекин, охирги ўринни тарк этиш учун кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Айни пайтда жамоанинг мудофаа қобилиятини янада яхшилаш зарурлиги кўриняпти. Ҳар қалай ўрта бўғинга кўтарилиш учун 11—16 ўринларда бораётган 12—15 очколи жамоалардан устунроқ бўлиш тақозо этилади. Ўйлаймизки, пахтакорчилар бунинг уддасидан чиқадилар.

ЁМОННИНГ ЯХШИЛИГИ

ЕКИ БУТИФОСНИНГ ФОЙДАЛИ ХОМ АШЁ ЭКАНИ ҲАҚИДА

«Узсельхозхимия» республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бутифос излаб қолди. Бирлашманинг хўжалик ҳисобидаги илмий-ишлаб чиқариш маркази вакиллари Термизга бутифос сўроқлаб келишди. Вилоят қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш бирлашмаси бу сўровни жон деб қабул қилди.

Бирлашма беш йил бўлдики, 750 тонна бутифосни қаерга қўйишни билмай сарсон эди. 1,5 миллион сўмлик бу дардисарни йилига 21 минг сўм ҳаржлаб «кўз қорачиғидай» сақлаш бирлашмага малол келиб турганди.

Оналарнинг кўкрак сутига қадар сингиб кетган бу зормонда илмий марказга нима учун керак бўлиб қолди экан?

— Бутифосни қайта ишлаб, ундан бутилмеркантан ҳосил қилиш мумкин. Бутилмеркантан — қимматбаҳо шиша қотишмаси. Автомобилларнинг ойнали қисмлари шу қотишмадан тайёрланади, — дейди илмий марказ директори, геология-минералогия фанлари номзоди Генрих Клиблей. — Лаборатория тадқиқотларининг хулосаси шундай.

Бу иш сутни ёки ёғочни қайта ишлашдан анча мураккаброқ. Масалан, Сурхондарёдаги бутифосни бутилмеркантанга айлантирмоқ учун 1,5 миллион сўм ҳаражат қилинади. Лекин ундан олинган маҳсулотнинг қиймати бутефоснинг ҳозирги қийматини ва қайта ишлашга кетган сарф-ҳаражатни деярли қоплайди.

Энг муҳими, на кўмиб ташлаб, на ёндириб қутилиш амри маҳол бўлган заҳри қотил шу тариқа зарарсизлантирилади. Навоий шаҳридаги электр-кимё заводи билан шу борада кўзланаётган ҳамкорлик юришиб кетса бўлгани, — бутифосни кенг фронт бўйлаб «тор-мор» этиш мумкин бўлиб қолади.

О. УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ХУШХАБАРЧИ

Орамизда шундай касб эгалари борки, уларнинг меҳнатисиз кундалик турмушимизни тасаввур этиш қийин. Алоқа ходимлари, хушхабарчилар ҳам ана шундай касб эгаларидан.

Фарғона вилоятидаги Фарғона ноҳиясининг Қўрғонтепа қишлоғи кекса-ю ёш Зоя Михайловна Каримова номини катта ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. 35 йилдан буён алоқа хизмати соҳасида самарали ишлаб келаётган Зоя опа ўз касбининг устаси сифатида танилган. 15 йилдирки, Қўрғонтепа қишлоғи аҳолисига хизмат қилиб келмоқда, 150 дан зиёд хонадонга кундалик матбуот нашрларини, турли хат-хабарларни етказиб бермоқда.

— Зоянинг муомалали, халқимиз урф-одатларини, расм-русумларини ҳурматловчи қатъий амал қилувчи эканлиги бизни, айниқса, мамнун этади, — дейди у ҳақда шу қишлоқда яшовчи, Охунбобоев жамоа хўжалиги пиллакори Салимахон Комилова. — Тўйларимизда, маъракаларда унинг алоҳида ўрни бор. Биронта маърака ёки тўйни қолдирмасдан қатнашади, қўлидан келадиган ёрдамини аямайди.

Ҳа, орамизда ҳақиқий байналмилалчи бўлган Зоя опадек кишилар кўпаяверсин.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ОБ-ҲАВО...

Ўзбекистон ҳудудида шу ҳафтанинг бошларида ҳаво қуруқ ва иссиқ бўлади. Кечаси 21—26, кундузи 36—41 даража иссиқ. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида кундузи ҳарорат 43 даражагача кўтарилади. Шундан кейин жазирама юмшайди. Кечаси 17—22, кундузи 31—36 даража иссиқ. Республика жанубий масканларида ва Бухоро областида кечаси 18—24, кундузи 33—38 даража иссиқ. Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Шундан кейин ҳарорат яна кўтарилади. Ҳафта давомида умумий ҳарорат меъёр атрофида бўлади.

«БОНГ» ОПЕРАЦИЯСИ

ТОШКЕНТ ТАЙЁРАГОҲИДАН РЕПОРТАЖ

Воқеа 5 июль куни эрталаб рўй берди. Одатдаги ёз куни. Ҳаво тиниқ. Саҳий қуёш нурларини аямай тўкмоқда. Тайёрагоҳда ҳаёт қайнайди. Ҳаво кемалари бирин-кетин учиб, қўниб турибди. Ана рўпарада ўртача олисликка учадиган ТУ—154 самолётига йўловчилар қабул қилинди. Борт эшиги ёпилган пайт бирдан... салонда олатасир тўполон бошланди, ўқлар отилди. Важоҳати ҳунук икки эркак учувчилар кабинаси томонга ўтиб тўппончаларини йўловчиларга ўқталишди. Салоннинг дум томонидан эса яна бир қуролли кимса.

Бир зумда тайёрагоҳ бошқарув нуқталарида, бошлиқларнинг хоналарида фавқулодда ҳолат ҳақида маълумотлар олинди. Фуқаро авиацияси, хавфсизлик хизмати, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг раҳбарлари етиб келишди. Фалокатни бартараф қилиш ва ҳаво қароқчиларини қўлга олиш бўйича штаб ишга киришди. «Бонг» операцияси бошланди.

Соат 10.12. Самолёт бортидан штабга: қуролланган «ашаддий» йўловчилар трап (ўзнюрар кенг зинали пиллапоя)ни олиб кетишни талаб қилишяпти.

Штаб: трап олинсин.

Борт: «Қароқчи»лар самолётни зудлик билан ҳорижий мамлакатлардан бирига бориш мақсадини айтишди. Акс ҳолда...

Штаб: Тушундим. Уларга етказинг: бу талабни зудлик билан бажариб бўлмайди. Қўшимча ёнилғи олиш, чет тилини биладиган учувчи ва штурманларни етказиб келиш ва тайёрлаш, чегара билан келишиш ва қўниш мўлжалланаётган қўшни давлат маъмурларининг розилигини олиш керак.

Айни пайтда қўлга олиш гуруҳлари тайёргарликни бошлаб юборишган эди. Транспорт прокуратурасининг вакили йўловчилар ва экипаж ҳаётини сақлаб қолиш учун айни вазиятда тегишли тартибда қурол ишлатишга рухсат берди...

Соат 11.04. Қўлга олиш гуруҳининг командири майор Вячеслав Старов йигитлар масъулиятли топшириқни бажаришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Соат 11.06. — Қўлга олинсин!

Ҳаммаси деярли кўз очиб юмгунча, 20 секундда ҳал бўлди. Рўпарамиздаги монитор экранларида самолётдан сакраб тушган жангчилар «қароқчи»ларни етиб келган автобусга томон олиб кетишаётгани акс этди. Команда пульти ортида ўтирган кишилар бир-бирларини қўл қисиб табриклашди.

Репортажни диққат билан ўқиётган зийрак муштарий «қароқчи» сўзлари қўштирноққа олинганига эътибор берган бўлса керак. Ҳа, осмонимиз ҳозир осойишта, бундай фалокат асли рўй бергани йўқ. Гап режали асосда ўтказилган ўқув машқи тўғрисида бораётир. Бу галги минтақалараро машқда- Москва, Ленинград, Красноярск ва Камчатка шаҳарлари, Озарбайжон ва Қозоғистон, Ўрта Осиё жумҳуриятларидан вакиллар иштирок этишди.

Тадбир бошланиши олдидан қилинган маърузада жаҳон фуқаро авиациясида самолётларни олиб қочишга уриниш, одамлар ҳаётини ҳавф остида қолдириш воқеалари тез-тез рўй бераётганлиги қайд этилди. Ўтган йили 32 жиноятчи самолётни чет эл аэропортларига қўнишга мажбур қилишга уринди. 1990 йил 19 августида рўй берган ҳодиса кўпчиликнинг ёдида бўлса керак.

Ушанда ҳибсдаги шахсларни ташиш тартибидан масъулиятсизларча чекиниш туфайли ашаддий маҳбуслар соқчиларни қуролсизлантириб, Ёқутистон граждан авиациясига қарашли ТУ—154 самолётини учгандан сўнг босиб олиб ва аввал Красноярск, сўнг Тошкент аэропортига қўндиришган эди. Қароқчилар билан бир кеча-кундуз музокаралар олиб борилган, охири Покистонга учиш талабини қондиришга қарор қилинган эди. Тажрибали ўзбек учувчиси Қодир Отабоев бошлиқ авиаторларимиз террорчилар ва гаровга олинган кишилар тушган самолётни бошқариб, Карочи тайёрагоҳига муваффақиятли қўндиришди. Жиноятчиларни Покистон маъмурлари ушлашганидан сўнг самолёт, гаровдаги йўловчилар ва экипажлар мамлакатга эсон-омон қайтарилди.

— Виктор Федорович, ўша ҳодисани қонсиз-қурбонсиз ўтказишда махсус штаб раҳбари сифатида иштирок этган эдингиз. Бугунги ўқув машқи натижалари ҳақида нима дейсиз? — сўрадик Ўзбекистон ССР ДХК раисининг муовини генерал-майор В. Антоновдан.

— Ўзингиз кузатдингиз, террорчиларни қўлга олишга кўз очиб-юмгунча вақт кетди. Йигитлар касб-кор маҳоратини яхши намойиш қилишди. Албатта, фалокатдан худо асрасинку, лекин Шарқ дарвозаси ҳисобланган Тошкентда ҳар қандай жиноятчорона ҳаракатларнинг пайини қирқишимиз керак. Бугунги тадбир ана шу вазифага тайёрлигимизни намойиш қилди...

Ўзбекистон фуқаро авиация бошқармасининг бошлиғи Ғ. М. Рафиқов катталарнинг жиддий «ўйин»и давомида экипаж ва «қароқчи»лар билан музокаралар олиб борди.

— Биз учун қадрли нарса — йўловчи хавфсизлиги, — дейди Ғайни Мазитович. — Гаровга олинган кўпчиликми ё бир кишими, барибир улар ҳаёти ва саломатлигини сақлаш учун нима лозим бўлса, ҳаммасини қиламиз. Воқеаларни сир тутишга уриниш йўли билан сохта обрўни сақлаб қолиш эмас, инсонпарварликни амалда кўрсатиш лозим. Энг муҳими шунда. Бу соҳада биз ДХК ва бошқа ҳуқуқий идоралар билан яқиндан муносабатлар ўрнатганмиз.

«Бонг» операцияси тугади. Дарвоқе, самолёт салонига қуролли қароқчилар қандай ўтиб олишди? Бу саволга транспорт тергов ва суриштириш идоралари жавоб топишлари зарур. Қўлга олинган «қароқчи»лар уларнинг ихтиёрига топширилди.

А. АБДУБАННОПОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44 51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 21.00.

№ 130. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12